ҲАР БИР ХОНАДОНГА: ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК, ҚУТ-БАРАКА!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 январ, сешанба № 1-2 (1219)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

2002 йил - Янги йилнинг кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари дунёда тинчлик ва хотиржамликни тилаб, ўзларининг эзгу-ниятлари битилган қутловларни йўллаганлар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан;

Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси Алма Адамкиене;

Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг ва унинг рафиқаси.

АҚШ Президенти Жорж Буш ва унинг рафиқаси Лаура Буш йўллаган табрикда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари ва Татьяна Каримова хонимга.

Эзгу орзу-умидларга тўлган шу кунларда бахт-саодат Сизларга ёр бўлсин ва Янги йил ер юзида тинчликни барқарор қилсин».

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига қуйидаги мазмунда табрик хати йўллади:

«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни кириб келаётган Янги - 2002 йил билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз!

Россия билан Ўзбекистон ўртасида ишончга асосланган юксак даражадаги мулоқот мамлакатларимизнинг чинакам стратегик шериклигининг ҳақиқий далили бўлиб қолди. Қардош Ўзбекистон халқи ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар, мамлакатингизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида эришаётган муваффақиятларни Россияда астойдил мамнуният билан қабул қилмоқдалар.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва бундан буён ҳам муваффақиятлар, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга бахт-саодат ва омонлик, дўст Ўзбекистоннинг бутун халқига эса барқарорлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

В.Путин,

Россия Федерацияси Президенти».

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь;

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Герхард Шрёдер;

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр;

Исроил Давлати Президенти Моше Кацавлардан ҳам самимий тилаклар билдирилган табриклар келди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Яна бир неча дақиқалардан кейин XXI асрнинг биринчи йили билан хайрлашиб, янги 2002 йилга қадам қўямиз.

Мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда байрамона дастурхонлар атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз ва қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган қутлуғ Янги йил айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, барчангизга ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Шундай дамларда якунига етаётган йилнинг ўзига хос оғир ва енгил томонларини, аввало, шу йил давомида бошимиздан кечирган воқеаларни эслаш, амалга оширган хайрли ишларимизни сарҳисоб қилиш, яна бир бор хаёлимиздан ўтказиш табиий ҳолдир.

Албатта, 2001 йил давлатимиз, эл-юртимиз учун осон кечгани йўқ. Турли офат ва қийинчиликлар, дуч келган синовлар ҳақида -сурункасига икки йилдан буён давом этиб келаётган қурғоқчилик ва унинг салбий оқибатлари, ташқи бозорга чиқараётган пахта толаси ва бошқа экспортбоп маҳсулотларимизнинг нархи пасайиб бораётгани туфайли валюта тушумининг камайиши, бунинг устига, кўп жойларда ишни ташкил этиш ва бошқаришда йўл қўйилган камчиликлар -буларнинг барчаси ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Лекин, шундай муаммоларга қарамасдан, ўтиб бораётган йилни розилик ва шукроналик кайфияти билан кузатишга ҳар томонлама асосимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг далолатини, аввало, мамлакатимиз, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сураётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётганида, барчамиз гувоҳ бўлиб турган янги-янги улкан иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётганида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий салоҳиятимиз мустаҳкамланиб, юртимизнинг янада обод бўлиб, чиройи очилаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Бунинг исботини маънавий юксалиш, халқимизга хос азалий қадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурида изланиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковати, билим ва тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиз мумкин.

Келажагимиз ҳақида фикр юритганда, бизнинг кўнглимизни тўқ қиладиган яна бир ўта муҳим масала борки, уни эсламасликка ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман.

Мен бу ўринда бугун кучга тўлиб, замонавий билим ва илғор малакаларни эгаллаб олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган Ватанимизнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммаси, ўз масъулиятига олишга қодир янги авлод униб-ўсиб келаётганини назарда тутаман.

Кўксимизни тоғдай кўтарадиган эл-юртимизнинг энг катта ишонган таянчи ва суянчи бўлмиш фарзандларимизнинг камолини кейинги йилларда ёшлар таълими ва тарбиясига қаратган катта куч ва эътиборимиз, бу борадаги изчил сиёсатимиз ҳозирданоқ ўз ҳосилини бераётганини кўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси оила, барчамиз узоқни кўзлаб қилган шу ишимиздан рози бўлмаслигимиз, шукр қилмаслигимиз мумкинми?

Ҳурматли юртдошлар!

Тугаб бораётган йилнинг тарихимизда қолдираётган изи ва таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч

шубҳасиз, охирги ойларда бошланган антитеррористик кураш, унинг самараси ва натижалари ҳақида гапиришимиз ўринли, деб биламан.

Шу ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ва, аввало, қўшни Афғонистон ҳудудида йигирма йилдан буён давом этаётган урушни тугатиш, кўп азоб ва уқубатлар кўрган шу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида биринчи қадамлар қўйилаётганини эътироф этишимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари ва унга иттифоқчи бўлган давлатларнинг халқаро терроризмга қарши эълон қилган, бу жирканч иллатни таг-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган курашида Ўзбекистоннинг эгаллаган аниқ-равшан ўрни ва олиб бораётган сиёсати тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу масалада Ўзбекистон тутган сиёсатнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятини чуқур англаш учун, аввало, 11 сентябрдан кейин ва Афғонистонда контртеррористик операциялар бошланмасдан олдин вужудга келган оғир ва ноаниқ вазиятни ўзимизга тасаввур қилмоғимиз керак.

Шундай мураккаб бир шароитда, ҳеч иккиланмасдан, қатъиятлик билан, фақат ва яна бир бор фақат Ўзбекистон манфаатини кўзлаб, бизга нисбатан тўрт томондан билдирилган турли хил маслаҳатлар, дўқ-пўписаларга қарамасдан, ягона ва тўғри қарорга келиш шу пайтда осон иш эмас эди.

Ҳеч кимнинг ноғорасига ўйнамасдан танлаган бу мустақил йўлимиз ҳозирги кунда бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда ва тан олинмоқда.

Бугун узоқ ва яқин қўшниларимиз, умуман халқаро ҳамжамият, жаҳон халқлари Ўзбекистонга, унинг мард ва танти халқига, ҳар қандай ҳал қилувчи дамларда, шароит ва вазиятларда ҳам унинг қатъиятли сўзига ишониш ва таяниш мумкинлигига иқрор бўлмоқда ва шундан хулоса чиқармоқда.

Илгари Ўзбекистонни балки харитадан ҳам топа олмайдиган олис давлатларнинг вакиллари бугун мамлакатимизни янгидан танимоқда ва унга хайрихоҳлик билдирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган йил мобайнида ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, белимизни қаттиқ боғлаб қилган меҳнатимиз, пешона теримиз билан қўлга киритган ютуқларимиз, жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг кўламли ислоҳотлар, халқаро майдонда қозонган юксак обрў-эътиборимиз эртанги ҳаётимизни янги босқичга кўтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Албатта, биз янги марра, янги уфқлар сари ҳаракат қилар эканмиз, аввало, ўз кучимиз ва қудратимизга, ақл-заковатимизга суянган ва таянган ҳолда, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажагимизни кўришимиз ва қуришимиз табиий.

Бизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз турмушини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш мақсадида қилаётган ҳаракатларимизга катта хайрихоҳлик билан қараб, ҳамкорлик қўлини узатаётган энг тараққий топган давлатлар ва чет эллик шерикларимизнинг ёрдами ва кўмаги, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар кириб келаётгани, шу асосда қўшма корхоналар тузилаётгани, янги лойиҳалар амалга оширилаётгани бу марраларга етишимизда айни муддао бўлади.

Азиз ватандошларим!

Мен Янги йил арафасида сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртдошларимизга хос меҳр-оқибатлилик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, шафқат ва мурувват каби буюк хусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз онгига сингдириш бугунги ва эртанги кунимизни янада чароғон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман.

Айнан мана шундай ўлмас қадриятларга, ўз кучи ва қудратига иноний яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз ва сохта куч қайтара олмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Янги йилни халқимизнинг хоҳиш-истагини ифода этиб, Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганимиз ҳам албатта бежиз эмас.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш - дунёдаги энг улуғ савобдир.

Биз Янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтарам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қадам қўяётган эканмиз, ўйлайманки, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлғай, иншооллоҳ.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни юртимизга кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор қутлаб, ўзимнинг энг самимий тилакларимни изҳор этаман. Янги йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга тинчлик ва қут-барака ато этсин! Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг бахту иқболини берсин! Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНАВВАР ТОЛЕ

бадиа

Аслида манглай тер тўкиб қилинган заҳмат орқасидан келган ҳар қандай осойиш кун, ҳар тўкин дастурхон атрофида ўтган тинч соатларда байрам оралайди.

Аммо, каттадан кичик Янги йилни ўзгача бир руҳият билан қаршилайди. Ўтган йилни кузатиб, келаётганини қарши олар экан, одам боласи қуйироқ пиллапоядан юксакроғига кўтарилаётгандай, ирмоқликдан дарёланаётгандай, сўқмоқдан йўлга чиқаётгандай ҳаяжонли онларни қалбдан туяди. Биз ҳам Ватан мустақиллигининг ўн биринчи йилига қадам ташлаяпмиз. Инсон азиз нарсалардан эзгуланган сари унинг қадри, гўзаллиги янада равшанроқ кўринади. Уларни яна бир бор кўргиси, қалбига, кўзига муҳрлагиси келади. Биз ҳам айни дақиқаларда шу истак билан изимизга қараганимизда, нималарни кўрамиз? Албатта, энг аввал денгизда сузаётган, бешикаст илгарилаётган оқ кемага ўхшаб, Она ва Бола деган нурли тушунча билан учрашамиз. Ҳақиқатдан ҳам ўтган йилимиздан кўнглимизда қолган кўп яхшиликлар шу икки нурли сўз атрофида рўй берди.

Гулистон, Қува ва Наманган шаҳарларида реабилитация ва соғломлаштириш марказларининг қурилиши;

Нурота туманида туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманида «Она ва бола» санаторийсининг ишга тушгани;

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етгани;

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси — касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги соғломлаштириш оромгоҳларида кўплаб опа-сингилларимиз, фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олгани;

Бу оддийгина саноқлар эмас, давлат сиёсати даражасига кўтарилган эътибор, меҳр-муҳаббатдир.

...Ровийларнинг ривоят қилишларича, қадим замонда бир хоннинг икки ўғли бўлган экан. У вақти соати келиб, умри поёнига етганда, рутбаси, молу мулкини қайси ўғлига кўпроқ ишониб қолдириб кетишини билмай, иккиланар экан. Ахири, донишмандлар маслаҳатига амал қилиб, уларни олдига чақирибди:

— Зурриётларим, ҳар қайсингга бир қоп тилла ҳадя этаман. Мен уч йилга саёҳатга жўнамоқчиман. Қайтгунимча, шу бойликни кўпайтириб қўйинглар, - деб сафарга жўнабди.

Катта ўғил тиллоларни саррофларга, сармоядорларга берибди. Ҳар соати, ҳар кунига фоиз қўйибди.

Кенжа ўғил эса олис қишлоқлардан истеъдодли, ўқишга чанқоқ болаларни йиғиб келиб, мадрасаларда ўқитибди. Жисмоний заифроқ ўғлонларни йиғиб, энг кучли чавандозлар, энг зўр паҳлавонларни чорлаб, улар билан машғулот ўтказишни тайинлабди.

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

бахтиёр ўғил-қизларга олам-олам қувонч бахш этмоқда

Ўзбек Миллий Академик драма театрида шоҳона тараддуд. Қайта таъмирланиб янгиланган мазкур кошона бағри болажонлар билан лиқ тўла. Қиш кунлари бўлишига қарамай, шу куни бу ерга саҳий қуёш ёғдулари билан бирга меҳр ва саховат нурлари ёғилди. Чунки, бу масканда анъанавий «Президент арчаси» тантаналари ўтказилди. Театрга кираверишда қўш карнаю қўш сурнайчилар болажонларни арча атрофидаги ғаройиб саргузаштларга бой томошага чорлади.

— Бу йилги Президент арчасининг ўзига хос томони шундаки, у ҳам Мустақиллигимиз билан қадам-бақадам ўн ёшга тўлди, - дейди Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, «Президент арчаси»ни ўтказиш ишчи гуруҳи раҳбари Шуҳрат Жалилов. - Ушбу шодиёна аввало кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун ҳар йили орзиқиб кутиладиган кундир. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиздаги тантаналардан сўнг республикамизнинг қолган вилоятларидаги болажонлар ҳузурига бориб, байрам томошалари ўтказилади. Хусусан, 29—31 декабр кунлари пойтахтимизда ташкил этилган асосий тантаналарда 4500 нафар «Меҳрибонлик уйлари»нинг тарбияланувчилари, етим болалар, Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари иштирок этган бўлсалар, Янги — 2002 йилнинг 2—7 январ кунлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган «Президент арчаси» байрамида эса 8700 нафардан зиёд ана шундай болажонларнинг кўнгиллари кўтарилади. Уларнинг барчасига Президент совғалари топширилади.

(Давоми 3-бетда).

«НУРТОБ»НИНГ НОДИР МАҲСУЛОТИ

Совға

Янги йил арафасида Урганч туманида Ўзбекистон—Туркия «Нуртоб» қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонанинг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач 100 нафардан зиёд киши янги иш ўринларига эга бўлди.

Иншоот йилига 2500 тонна пахта толасини қайта ишлаб, ип-калавага айлантириб бериш қувватига эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тайёр маҳсулотнинг деярли юз фоизи хорижга экспорт қилинади. Цехларга Олмония, Англия, Италия каби тараққий этган давлатлар технологияси ўрнатилгани боис маҳсулотларимиз жаҳон андозаларига мос, харидоргир бўлишига шубҳа йўқ.

Янги — 2002 йилда корхонанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам поёнига етказилади. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, ип-калава ишлаб чиқариш 2 баравар кўпаяди ва маҳаллий ёшлардан яна 100 киши муқим иш жойи билан таъминланади.

Ҳақон ЗИРҲ,
«Нуртоб» қўшма корхонаси директори.

Сарҳисоб

Биз зўр миннатдорчилик ила кузатган 2001 йил республикамиз учун муҳим воқеаларга бой, том маънода бунёдкорлик йили бўлди. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билса бўлади.

ИСТИҚБОЛНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИДАН

Ойсулув НАФАСОВА, Самарқанд вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси:

— Меҳнатимиз самараси чакки бўлмади. Касаба уюшма фондидан салкам 40 миллион сўмлик маблағни вилоятдаги спорт қурилишларига ишлатдик. Энг муҳими касаба уюшма аъзоларимиз сони деҳқон фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар ҳисобига 6 минг нафарга кўпайди.

Банкротга учраган «Чинни» ва «Алпомиш» заводлари ишини қайтадан ташкил этиб, чет эл сармоясини олиб келиб, тўла қувват билан ишлаши таъминланди.

Вилоятда омилкор инсон И.Гадаев томонидан уруғ экиш мосламалари ва қишлоқ хўжалигида зарур бўлган эҳтиёт қисмлар бўйича 18 та ихтирочилик-рационализаторлик таклифлари берилди ва улардан заводлар оқилона фойдаланишмоқда.

Каримжон РАЙИМЖОНОВ, Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси:

— Ўтган йили вилоятимизда 6000 ўқувчи-ёшларга мўлжалланган 7 та коллеж қурилиб фойдаланишга топширилди. 34 та қўшма корхона ташкил этилди. Россия ҳамкорлигидаги бир марталик шприц ишлаб чиқариш «Шифо» қўшма корхонасида 200 нафар, Швеция билан ҳамкорликдаги сутни қайта ишлаш «Нестле» корхонасида 700, Япония билан биргаликдаги «Сиркроат» қўшма корхонасида 400 нафар ишчи яхши ойлик-маош олиб, ҳалол меҳнат қилмоқда. Бир йилнинг ўзида 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Йил натижаларини сарҳисоб қиларканмиз яна бир нарса хусусида тўхталиш жоиз. Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устивор ҳимоячиси. Бизга ёрдам сўраб мурожаат этган, ишдан ноҳақ бўшатилган, товон пулларини ололмаган меҳнаткашлар мушкули осон этилди. Қатор касаба уюшмаларининг ташаббуслари кенг оммалашмоқда.

Саида САЙФУЛЛАЕВА, Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси:

— 2001 йилни яхши натижалар билан якунладик. Биз диққат-эътиборни жамоа шартномаларини бажаришга қаратган эдик. Натижада меҳнаткашларни соғломлаштириш, иш ҳақларини ўз вақтида бериш борасидаги муаммолар ўз ечимини топди. Қатор қўшма корхоналар ташкил этилиб, юзлаб ишчи ўринлари яратилди. Моҳихосса боғи билан туташ халқ сайли учун дендрарий боғини барпо этишга киришилди.

Қувонарлиси, 2002 йилда Бухорода Республика талаба-ёшларининг универсиадаси бўлиб ўтади. Вилоятда мазкур мусобақани намунали ўтказиш учун барча ўйингоҳлар кенгайтирилмоқда. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳам спорт иншоотларини қуриш ишларига 20 миллион сўмга яқин маблағ ажратди.

Суҳбатдош: Ортиқ САИДОВ.



Одатда Янги йил арафасида кишилар бир-бирларини муборак айём билан табриклаб, совға-салом улашадилар. Шу ўринда Янги-йўлдаги ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари ҳам байрам олдидан маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан янги йил совғаси — замонавий қурилган «Касаба уюшмалари уйи»ни туҳфа сифатида қабул қилиб олдилар.

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ УЙИ»

Бугундан бошлаб меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлади

Пештоқига «Касаба уюшмалари уйи» деб ёзилган бино корхона меҳнаткашларига азалдан таниш бўлиб, уларнинг иккинчи уйларига айланиб қолган эди. Ушбу иншоот касаба уюшма қўмитаси ихтиёрига 1997 йили берилган бўлиб, унда «Маънавият ва маърифат», дам олиш хоналари, тиббий бўлим, «Гўзаллик салони», мўъжазгина тикувчилик цехи, сауна, кичик мажлислар зали жойлашганди. 2000 йил апрел ойида эса корхона раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Маҳамаджон Худоёров мазкур бино ўрнида замонавий, меҳнаткашлар талабига ҳар томонлама жавоб берадиган иншоот қуриш ташаббуси билан чиқди. Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг барча фаоллари буни қўллаб-қувватлашди. Тез орада янги бино қад кўтара бошлади. Бошланғич ташкилот раиси Ҳамида Абдусатторова шундай деди:

— Бу хабарни корхонамиздаги барча ишчи-хизматчиларимиз хушнудлик билан кутиб олдилар. Бинони асосан ҳашар йўли билан қуриб битказишга аҳд қилдик. Шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Касаба уюшмалари уйи» барпо этилишида кўпчиликнинг ҳиссаси бор. Унга 40 миллион сўмликка яқин қурилиш ашёлари ҳамда 10 миллион сўмлик турли жиҳозлар харид қилдик. Ушбу маскан шундай саъй-ҳаракатлар натижасида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу кун барчамиз учун чинакам байрамга айланди.

Биз ойнаванд қилиб қурилган шинам хоналарни айланамиз. Улар дид билан таъмирдан чиқарилган. Хуллас, оддий бир меҳнаткашга нима зарур бўлса, бари муҳайё.

Ташаббус!

— Айни вақтда корхонамизда 764 нафар киши меҳнат қилмоқда, - деб сўзини давом эттирди Ҳамида опа. — Ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётир. Чунончи, ишчиларга йилига бир марта махсус кийим-бош беряпмиз. Шунингдек, уларни ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган сут ҳамда гўшт маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз. Ойлик маошлар ҳам ўз вақтида берилмоқда. Яна бир янгиликни айтмоқчиман. У ҳам бўлса маҳсулотни фильтрлайдиган цех қайта таъмирланмоқда. У битгач, истеъмолчиларга янада сифатлироқ ҳамда арзонроқ маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга бўламиз.

Биз ишчилар билан ҳам суҳбатлашдик.

Тўрабой Аҳмедов, созловчи:

— Мен 10 йилдан буён ишлайман. Бу муҳташам бинонинг байрам совғаси сифатида топширилиши, оила аъзоларимизни ҳам ниҳоятда хурсанд этди. Чунки, бундан буён турли тадбирларни шу ернинг ўзида ўтказиш режаси бор.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

Қаҳрамонлар орамизда

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган корхонани нафақат мамлакатимизда, балки, ундан ташқарида ҳам яхши билишади. Навоий тоғ-металлургия комбинатида меҳнатлари, касби, тажрибалари бошқаларга намуна бўладиган мутахассислар кўплаб топилади. Комбинатнинг марказий руда бошқармаси ўқув марказининг устаси Михаил Батурин ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради.

КАСБ МЕҲВАРИНИ УСТОЗ БЕЗАЙДИ

М.Батурин бир неча йил муқаддам пенсияга чиқди. Лекин, ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ, «ишсиз юриш» унинг учун эмаслигини тушунди. У қадрдон корхонасига қайтди. Унга руда бошқармаси ўқув марказида ёшларга таҳсил бериш, турли касб-корга ўргатиш вазифаси топширилди.

Кўпни кўрган Михаил Николаевич дастлаб шогирдлари қалбига йўл топишга ҳаракат қилди. Зотан, у устозлик қилиш қийин эканлигини қалбдан ҳис этарди. Шундай қилиб, ўқиш ва ўқитиш ишлари бошланди. Навоий тоғ-металлургия комбинатининг ўзига яраша нозик анъаналари бор. Ўз ишининг билимдони бўлган кранчилар, строполчилар, экскаваторчилар, баҳайбат машиналар ҳайдовчилари, мураккаб машина-механизмлар билимдони бўлиш осон эмас. Лекин, устоз М.Батурин умр бўйи орттирган билиму тажрибасини ёш авлод вужудига сингдириш учун астойдил ҳаракат қилди.

Устига устак мураббий касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоси сифатида жамоат ишларини адо эта бошлади. Қўлида касб ўрганаётган ёшларнинг оилаларидан хабар олиш, уларнинг тафаккурини ўстириш, истиқболда учрайдиган турли вазиятларга тайёр туриш — ҳамма-ҳаммаси ундан катта билимдонликни талаб қилади.

Мана, М.Батурин дарс берадиган хона. Остона хатлаб ичкари кирар экансиз, хонадаги тартиб-интизом, кўргазмали қуролларнинг вобасталигини кўриб, мураббийнинг ўз ишига нақадар масъулият билан ёндашаётганлигини сезасиз. Шу онда эшикдан кириб келган бир гуруҳ ёшлар устозни қуршаб олиб, Янги йил билан муборакбод этдилар, ишларида катта муваффақиятлар тиладилар.

В.НИКОЛАЕВ, А.УМАРБЕКОВ.

Бағрикенг ўзбегим!

МАКТАБ ҚУРИБ, ҲАЖ САВОБИНИ ОЛДИ

Жиззах шаҳрида саховатпеша инсонлар ҳақида гап кетгудек бўлса, биринчилардан бўлиб Абдулла отанинг номи тилга олинади. «Ўратепалик» маҳалла фаолларидан бири бўлмиш А.Мамараҳимов ўтган йили мактаб қуриб бериш ташаббуси билан чиқди. Унинг ташаббусини маҳалла аҳли, шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Тадбиркорнинг ўғиллари — Саҳобжон, Ваҳобжон, Орифжонлар ҳам бу савобли ишнинг бошида бўлдилар. Маҳалладаги Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат номли 14-мактабнинг бошланғич синфлари учун қурилган бино нураб, авария ҳолатига келиб қолганди. Боз устига у 1958 йили қурилган бўлиб, мактабнинг асосий биносидан 3 километр узоқда жойлашганди. Атиги уч ой ичида 8 синфхонадан иборат муҳташам билим даргоҳи қуриб битказилди.

Саховатпеша Абдулла Мамараҳимов-лар оиласи мактаб қурилиши учун бир миллион сўм маблағ сарфлади. Бундай хайрли ва савобли ишга «Ўратепалик» маҳалласининг қатор фидойи кишиларидан Асрор Қобилов, Абдукарим Бобоев, Бахтиёр Ҳасанов, Акрам ва Акмал Наимов каби ҳиммати баланд кишилар муносиб улуш қўшиб, ўз маблағлари ҳисобидан шифер, бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари олиб беришди.

Қисқа фурсатда 10 миллион сўмлик 140 ўринли мактаб қурилиб, ишга туширилди.

— Ёшим олтмиш еттида, — дейди Абдулла ота. — Ҳажга бориш ниятим бор эди. Бундай ўйлаб қарасам, маҳалламизда ҳали кўп савобли ишларни қилса бўлар экан. Демоқчиманки, шу ерда туриб ҳам ҳаж савобини олиш мумкин.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Шайхонтоҳур туманидаги Кохота маҳалласида намунали оилалар кўп. Айниқса, Юнусовлар хонадонига ҳамма ҳавас қилади. Катта оила бошлиғи, 90 билан тўқнашган табаррук инсон Башорат ая билан маҳалладошлари кўришганларида: бизнинг ҳам фарзандларимиз сизнинг ўғил-қизларингиздек ўқимишли, ҳақиқий инсонлар бўлиб вояга етишсин, дея ният қилишади.

КАТТА ОИЛА

Оддий темирйўлчи Юнус отага олий маълумотли бўлиш насиб этмади. Бироқ, у умрдоши билан фарзандларининг илмли, ҳунарли бўлишлари учун қўлидан келган барча ишни қилди. Хонадонда махсус дарсхона очиб, болалар илм чўққиларини мустаҳкам эгаллашлари учун шароит яратди. Вақти-вақти билан мактабга бориб, ўқитувчилар билан фикрлашди, уларнинг маслаҳатлари асосида иш юритди. Фарзанд тарбиясига юксак даражада масъулият билан ёндашиш ўз самарасини берди. Вақт ўтиши билан катта ўғил Ҳикматилла Юнусов кимё фанлари номзоди бўлиб ота-онани қувонтирди. Бу бошламаси эди. 1973 йил Неъматилла физика-математика фанлари номзоди, кейинчалик катта хонадоннинг эрка қизи Муҳайёхон физика-математика фанлари доктори деган илмий даражани олиб, барчанинг ҳавасини келтирди.

Яқинда бахтли оила аъзолари қувончли тадбир ўтказдилар. Иккинчи ўғил — Тошкент электротехника алоқа институтининг доценти Неъматилла Юнусовнинг 60 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Ҳаяжонли дақиқалар, устозу шогирдларнинг дил сўзларини тинглар эканмиз, илм йўли нурли йўл эканлигини, умр мазмуни ҳалол меҳнатдалигини чуқур ҳис этдик.

Ҳа, кечаги шогирд бугун устоз бўлиб, кўплаб шогирдлар тайёрламоқда. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. «Электрон ва квант асбоблари» кафедраси доценти Н. Юнусов ўз фаолияти давомида юзга яқин илмий, илмий-услубий ва илмий оммабоп ишлар муаллифи бўлди. У академик Э.Адирович раҳбарлигида ўз илмий изланишларини бошлади. Турли назарияларга оид элликка яқин илмий мақола ва тезислари илмий жамоатчиликка яхши таниш. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Жўра Абдуллаев, институтнинг проректорлари Неъмат Мўминов ва Омон Абдуазизовлар, Ўзбекистон Фанлар академияси физика-қуёш бирлашмасининг катта илмий ходими Ҳожиакбар Азимхўжаев иқтидорли олим Неъматилла Юнусовнинг фазилатлари ҳақида, оддий темирйўлчи оиласининг камолоти хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

С. ОРТИҚОВ, Ғ. ХИДИРОВ (сурат).

Бу кунни ҳеч ким унутмайди

Урганчдаги таянч-ҳаракат тизими хасталиги билан касалланган болалар учун мўлжалланган 93-сонли махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари деярли бир ҳафта олдин Қорбобо ва Қорқиз билан учрашишга муяссар бўлдилар. Безатилган арча атрофида болаларга қишки кийим-кечаклар, ўйинчоқлар топширилди.

Мустақиллик йилларида шаклланган аъанага кўра, янги йилнинг охирги ҳафтасида вилоятда ҳар бир бемор болага алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларга қишки таътиллар бошланиши олдидан ихтисослашган тиббий муассасалар ва ўқув юртларига оталиқ меҳнат жамоалари, жамоатчилик жамғармалари ва вилоятдаги шу каби ўнлаб ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар, айрим фуқаролар ташриф буюради. Маҳаллий фуқаролар йиғини фаоллари эса шаҳар ва қишлоқлар маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олади. Вилоят ҳокимлигининг берган маълумотига кўра, бемор болаларга тақдим этилган совғалар сони ва бошқа моддий ёрдамлар миқдори беҳисоб. Демак, болаларнинг биронтаси ҳам эътибордан четда қолмайди.

УШАЛГАН ОРЗУ

Моҳир ташкилотчи Солижон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси хайрли ишларни амалга ошириб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда. Чунончи, Луғумбек қишлоғи аҳолиси ҳаммом ва замонавий спорт мажмуи орзуида юрарди. Жамғарма бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда яхшигина ҳаммом қурдириб берди. Ташландиқ ҳолда ётган эски ўйингоҳни таъмирлатиб, фойдаланишга топширди. Боз устига ўйингоҳ учун 10 миллион сўмлик жиҳоз ҳам ҳадя этди. Ҳозир бу ер қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган. Кунора турли спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Энг замонавий спорт турлари бўйича тўгараклар ишлаяпти.

— Жамғарма туман касаба уюшма ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган, — дейди Избоскан туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Асқаров, — моддий ёрдам сўраб келганларга ҳамиша саховат кўрсатилади. Жамғарма ўтган йилнинг ўзида 1409 нафар кишига моддий ёрдам берди.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

МУНАВВАР ТОЛЕ

бадиа

(Боши 1-бетда).

Эчки ва биянинг сутини соғдириб, қатиқ қилиб, эмизикли оналарга тарқатибди.

Алқисса, хон сафардан қайтиб, фарзандларини ҳисоб беришга чақирибди. Ҳар иккаласини тинглагач, катта ўғилга:

— Ўғлим, тилла зарнинг хонадонимиз, юртимиз учун ҳам фойдаси кўп. Йиғганингга эътирозим йўқ. Аммо сен бойликни кўпайтирмабсан, тилло бир чўнтакдан иккинчисига ўтибди, холос.

Уканг эса кўпайтирибди. Ахир, илмли, соғлом йигитлар, гўзаллашган аёллар тирик бойлик-ку! Уларнинг қудрати қопдагисидан минг бор кучли, - деган экан.

...Ана шу ривоятни эслар эканмиз, ўтган 2001 йилда нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, юртимизга шон-шуҳрат ҳадя этган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов каби марду майдонларимиз хаёлимиздан ўтади. Давлат хазинасидан сарф қилинган бойлигимиз истеъдодли ёшларнинг «Умид» жамғармаси гранти билан хорижда ўқиб, халқаро андозалардаги мутахассис бўлиб юртимизга келаётган фарзандларимиз қалбида кўпайиб қайтаётганидан ғурурланамиз.

- 90 фоиз аёлларимиз йил давомида тиббий кўрикдан ўтди;

- мамлакатимизнинг барча туманларида қизлар гинекологияси хизмати ташкил этилди, деган хабарлар яна ҳам теранроқ мазмун касб этади. Дунёнинг энг нозик дидли томошабинлари олқишини қозонган Муножотхоним Йўлчиева, Юлдузхоним Усмонова каби бетакрор хонандаларимиз қиёфасида ўзбек санъати, Ўзбекистон санъати кўламини, салмоғини ҳис қиламиз. Ва бирдан 2001 йил дея бир қарашда оддийгина туюлган йилимиз улканлашиб, баландлашиб кетади.

Янги йилимизга ҳам ўша улканлик, ўша баландликдан туриб қараймиз.

— Муҳтарам Президентимиз янги асрнинг янги йилига жуда файзли исм қўйдилар, - дейди Фарғона шаҳар халқ таълимига қарашли касаба уюшма қўмитаси раиси Муборакхон Қўлдошева. - Бизнинг бу нурли, саодатли фурсатларга елкасида кўтариб, қўлларида етаклаб олиб чиққан қанча қарияларимиз бор. Албатта, биз уларни доим эслаймиз, байрамларга чақирамиз, гуллар ҳадя этамиз. Аммо, улар ҳар кун, ҳар соат бизнинг эътиборимизда бўлиши керак. Қолаверса, улар жонли тарих. Баъзан уларнинг бир ўгити бизни кунлаб ўйлантираётган муаммога калит бўлиши мумкин.

Муборакхон ҳақ. Йил энди бошланмоқда. Аммо, биз бугундан кексалар ва кексалик ҳақида ўйлай бошладик. Умрнинг давомийлиги, авлодлар алмашуви, анъаналар — булар шунчаки бир тушунчалар эмас, халқ тарихи, халқ тараққиётини белгиловчи куч эканлигини англай бошладик. Қалбимизда кўпроқ меҳнат қилиш, кўп эзгуликка эришиш истаги уйғонди.

- Ҳуқуқий демократик давлат;

- адолатли жамият;

- фуқаролари кучли юрт;

- мустақил фикрлайдиган, ўз фикрини ҳимоя қила оладиган авлод...

Булар ҳаммаси биз интилаётган улуғ йўлларнинг ёруғ бекатлари. Биз бекатлардан бекатларга меҳнат, сабр-бардош, ишонч ва умид билан дадил қадамлаб боряпмиз.

Кўзларимиздаги учқунларнинг, юрагимизнинг гурсиллаб ураётганини ўзимиз ҳис этяпмиз, баъзан толиқиш сезсак-да, мақсадимизнинг ёруғ, муқаддас эканлиги бизга қувват бахш этади. Ҳозир яна шундай лаҳзалар... Бир бутун, бир миллат, бутун бир халқ, бир вужуд, икки кўзга айланиб, Янги йилни қаршилаётганимиз. Ташрифинг кўз устига, жон устига, Мунаввар йил!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.



ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

бахтиёр ўғил-қизларга олам-олам қувонч бахш этмоқда

(Боши 1-бетда).

Муҳташам Миллий театримизнинг кенг саҳнига саккиз метрлик ўрмон маликаси — яшил арча ўрнатилиб, безатилган. Ундаги турли ўйинчоқлар, кўзни қамаштирувчи чироқлар ял-ял товланиб, ловиллаб турибди. Болажонлар Қорбобо, Қорқиз, Сантақиз, Масхарабоз, Билағону Топағонлар билан бирга қўл ушлашиб, гўзал арча атрофида қўшиқ куйладилар. Қорбобонинг топишмоқларига энг биринчи жавоб топган доно ва зукко болалар ғаройиб совға соҳиби бўлдилар. Қизиқарли ўйинлардан сўнг байрам иштирокчиларини Ўзбекистон халқ артистлари Р.Султонова, Т.Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Руслан Шарипов, Кумуш Раззоқова, Илҳом Фармонов, шунингдек, Жавоҳир Зокиров, Иззат Иброҳимов, «Баҳор» давлат рақс ансамбли санъаткорлари қутладилар. Уларнинг куй ва қўшиқларига ширидан-шакар кичкинтойлар ўз рақслари билан жўр бўлдилар.

Фарзандларимизнинг ҳар бирига Юртбошимиз номидан йўлланган табрикномада ушбу сатрлар битилган:

Азиз фарзандим!
Сизни кириб келаётган
Янги йил билан
муборакбод этаман.

Ислом КАРИМОВ.

Қалбларни илиқ ҳислар чулғайди, Президентимиз совғаларини олган ҳар бир бола қалбига Ватан, Она юрт, садоқат, меҳр-муҳаббат каби муқаддас тушунчалар муҳрланмоқда. Буни томоша иштирокчиларидан бири — беш ёшли Обиджоннинг беғубор сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

«Президентимиз бизга ажойиб совғалар бериб юборибдилар. Мен уларни жуда ҳам яхши кўраман!»

Бундан кўриниб турибдики, гўдакларга бахшида меҳр албатта ўз мевасини беради. Меҳр-муҳаббат оғушида улғаётган болажонлар келажакда Ватанга содиқ, мард, саховатли инсонлар бўлиб етишадилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ДАВРАНИ КЕНГ ОЛИБ

Фарғона шаҳридаги вилоят театри биносида бошланган Президент арчаси тантаналари юзлаб болаларга қувонч бахш этди.

Вилоят мусиқали драма ва қўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан тайёрланган театрлаштирилган байрам томошалари тантана иштирокчиларига ўзгача қувонч улашди. Болажонлар ўз шодликларини севимли Қорбобо ва Қорқиз, шунингдек, ялмоғиз, бўри, қуён, маймоқ айиқ сингари эртак ҳамда мультфильм қаҳрамонлари билан бирга баҳам кўришди.

Вилоят ҳокими А.Отабоев ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган кўм-кўк арча атрофида тўпланган болаларни Янги йил билан қутлаб, мамлакатимиз Президенти номидан байрам совғаларини улашди.

Фарғона вилоятидаги болалар уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оила фарзандларидан жами 4 минг нафардан зиёда мамлакатимиз Президенти номидан ана шундай совғалар олди.

(ЎзА).

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

104 ЁШЛИ ТУРСУНМОМО:

«НАҚАДАР БАХТЛИСИЗ, АЗИЗЛАРИМ»

Мирзачўл туман ҳокимлиги ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда қарияларни қадрлаш, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида яна бир хайрли ишга қўл урди. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган қариялар сони аниқланиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўрганиб чиқилди ва 80 ёшдан ошган ҳар бир қарияга алоҳида ижтимоий ғамхўрлик кўрсатиладиган бўлди.

— Туманимизда 100 ёшдан ошган 7, 90-100 ёшлилар 26, 80-90 ёшли 169 нафар қария истиқомат қилади, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Исабек Сулаймонов, — «Қарияларни қадрлаш йили» олдидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига 202 нафар қарияга ойига 242 минг сўм қўшимча нафақа тайинланди.

Эндиликда туманда яшовчи юз ёшдан ошганлар ҳар ойда пенсияларига 3 минг, 90-100 ёшлилар 2 минг, 80-90 ёшлилар эса минг сўмдан қўшимча пул оладиган бўлишди.

— Ҳар бир ўтаётган кунимга шукроналар айтаман, - дейди «Пахтазор» хўжалиги ҳудудида яшовчи 104 ёшли онахон Турсун Кубекбаева, — биз, кексаларга эътибор янада ортганидан беҳад мамнунмиз. Қарияларни қадрлаётганлар асло кам бўлмасин!

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАЪЗИМИ

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 9 йиллиги байрамига бағишланган йиғилишда 2002-йилни — «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилдилар. Бу ҳукуматимизнинг табаррук кишиларга бўлган яна бир ҳурмат-эътиборининг ёрқин кўринишидир. Бугунги кунда мамлакатимизда қанчадан-қанча пенсионерлар қарилик гаштини сурмоқда. Шунинг билан бирга бир қисми тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда. Уларнинг сўзларига бир қулоқ солинг.

БИЗНИНГ ОВУЛ БОЙЛАРИ

Рейимбой ЙЎЛДОШЕВ, Беруний туманидаги хусусий корхона раҳбари, «Дўстлик» ордени нишондори.

1991 йил кичик корхона ташкил қилдим. Туман ҳокимлигининг қарори билан Султон Увайс тизма тоғлари ён бағридан фойдаланилмай ётган ерлардан 10 гектар ажратиб олдим. Оила аъзоларим, фарзандларим, келинларим билан биргаликда белларимизни мустаҳкам боғлаб ишга киришдик. Овулдошларим, қўни-қўшниларим ҳам қийинчилик туғилган пайтларда ўз ёрдамларини аяшмади. Орадан бир икки йил ўтиб, иқтисодий аҳволимиз яхшилана борди. Олинган соф фойда ҳисобига яроқсиз ҳолга келиб қолган техникаларни сотиб олиб ўзимиз таъмирладик. Ишимиз юришиб кетгач, яна 30 гектар ер ажратиб беришди.

Сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилган кишига яратган эгам ҳам қарашар экан. Ҳар йили зиммамизга олган режаларимизни ортиғи билан уддалаб келаяпмиз. Бугунга келиб, умумий ер майдонимиз 250 гектарга етди. Техника ва механизмларимиз сони 35 тадан ошди. 10 минг туп теракзоримиз, 3500 туп жийдазоримиз мавжуд. Бир гектар майдондаги узумзорларимиздан бу йил дастлабки ҳосилни йиғиштириб олдик. Фарзандларимнинг барчасини турар-жойли, енгил машинали қилганман. Ҳар бирининг ҳовлисида 5-6 бош қора моли, 10-15 бош қўй-эчкиси бор. Етти хазинанинг бири бўлмиш паррандаларни парваришлаш эса келинларим, қизларим зиммасида. Овулимиз ҳозирги кунда табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Йўлимиз то бўсағамизгача асфальтланган.

«Қизилқалъа» овули ҳудудидаги иккита мактаб ва битта болалар боғчасини оталиққа олганмиз. Уларни нафақат таъмирлашда, балки кам даромадли оилалар фарзандларига дарсликлар, ўқув қуроллари олиб бераяпмиз. Болалар боғчасини эса озиқ-овқатлар, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз.

ИШЧИ ҚАДРИ

Пётр ЗУБОВ, Тўрткўл туманидаги «Ғайрат» кичик корхонаси ишчиси, касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хусусий мулкчилик шакли пайдо бўлди. Эндиликда «акциядор», «жамоа мулки», «менинг мулким» сўзларини ишлатиш кундалик ҳаётимизда одат тусига айланди. Мустақиллик бизга орзуларимизни рўёбга чиқариш имкониятини берди. Энг муҳими. тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар бугунги кунда қонун йўли билан тўлиқ ҳимояланган.

Мен совуқ уруш туфайли етим қолганман. Ёшлигимдан электр сирларини мустақил равишда ўгандим. Кейинчалик эксковаторга ихлос қўйдим. Мана сал кам 30 йилдирки, шу касбни эъзозлаб келаяпман. Лекин, собиқ шўролар даврида менинг ҳам бирим икки бўлмади. Меҳнатим қадрланмади.

1995 йилда Тўрткўл туманидаги «Ғайрат» кичик корхонаси директори Фарид Муратов билан тасодифан танишиб қолдим. У ўз корхонасига ишга таклиф қилди. Мен келган йили бу ташкилот ҳисобида битта эксковатор ва бульдозер бор эди. Ҳозир ҳисобимизда барча шароитларга эга машина-трактор паркимизда, 4 та эксковатор, 2 та К-700, ўнлаб бошқа техникаларимиз бор. Айни чоғда уларни капитал ва жорий таъмирдан чиқараяпмиз. Ўртача ойлик маошимиз 50 минг сўмни ташкил қилади. Тушлик пайтида иссиқ овқат, чой ташкил қилинади. Махсус автобус ишчи-хизматчиларимизни эрталаб ишга элтса, кечқурун бепул ўз уйларига олиб боради.

Бош қомусимизнинг 9 йиллик байрами арафасида мен 60 ёшни қаршиладим. Шу куни эрталаб бошлиғимиз Фарид Муратов «Тико» машинаси калити ва менинг номимга расмийлаштирилган ҳужжатларни тантанали равишда топширди. Шунда севинчдан ёш боладек йиғлаб юбордим...

Суҳбатдош: Муҳаммадсобир ШОМУРОД ўғли.

Касаба уюшма шифо масканларида

БАҲОСИ ЙЎҚ





Курортлар бошқармамизга қарашли санаторийларимизда кўпгина ўзгаришлар юз берди. Хусусан, аҳолига санаторий-курорт хизмати кўрсатиш хориж давлатларида эришилган ютуқ ва тажрибаларга таянган ҳолда олиб борилди. Даволанувчиларга замонавий талаблар даражасида шароит яратиш мақсадида 1 ва 2 ўриндан иборат хоналар ташкил этилди. Бундан ташқари даволаш-ташхис, овқатланиш бинолари, маданият уйлари қайта таъмирланди. Уларни лозим тиббиёт асбоб-ўчкуналар билан жиҳозлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бу борада, айниқса, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан хайрли ишлар қилинди. Масалан, бултур апрел ойида «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида замонавий даволаш-ташхис маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда илгари 24 хил муолажа усулидан фойдаланиб келинган бўлса, эндиликда унинг сони 40 дан ошиб кетди. Ғоят нодир саналган 12 каналли «ЭХО» электрокардиограф аппарати ёрдамида юрак-қон-томир хасталикларига чалинган беморларга аниқ ташхис қўйиш имконияти яратилди. Икки қаватли марказ биноси меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган. Фавворалар файз бахш этиб турган бу маскан ҳақиқатан ҳам хузурбахш. Сиҳатгоҳда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари ҳам намунали ташкил этилган. Беш минг тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилганлиги фикримизнинг далилидир.

«Турон» санаторийсида эса ётоқхона ва чўмилиш ҳавзаси ишга туширилди. «Она ва бола» бўлимидаги ҳар бир хонада юмшоқ мебел, телевизор, радио, хатто, магнитафон ҳам мавжуд. Хоналарга чўғдай ёниб турган гиламлар тўшалган. Биринчи қаватда даволанувчилар биллиард ва теннис ўйнашлари мумкин.

Бундан ташқари «Оқтош», «Абу Али ибн Сино», «Гулпаршин», «Мироқи» сиҳатгоҳларида она ва болалар учун янги ўринлар ташкил қилинди. Умуман 2001 йилда оналар ва болаларга аталган ўринлар 378 тага етказилди.

Худойберди РАҲМЕДОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси даволаш ва соғломлаштириш бўлими мудири.

Шингил ҳикоялар

ЎҒИЛЧА МУБОРАК!

Фарида опа қизларининг атрофида гирди капалак бўлишига қарамай, кўзлари йўлга нигорон — тиқ этса эшикка қарайди. Фақат якка-ёлғиз ўғли Умиджонни ўйлайди. «Қизиқ, янги йилни бирон марта Умиджонсиз кутмагандим».

Умиджон баъзида узоқда бўлса ҳам янги йил киришидан ярим соат олдин етиб келарди. Мактабни битиргач, институтда ўқиди. Ўша пайтлари қиш-қировли кунларда, йўл носоз бўлган пайтларда ҳам, албатта, уйга охирги дақиқаларда бўлса-да, кириб келарди.

«Нима бўлдийкин» хавотирлана бошлади онаизор. «Энди оилали, устига устак узоқ шаҳарда яшайди. Келиннинг ой куни яқин эди. Балки, уни ташлаб келолмагандир. Ишқилиб тинчлик бўлсин.» Айвонда йўлга қараб турган онасининг олдига Мухлиса келди.

— Ойи, юринг, янги йил киришига озгина қолди. Меҳмонлар сизни кутишяпти, — дея қўлтиғидан олди.

Ясатилган дастурхон атрофида неваралари-ю меҳмонларнинг қадаҳларни ушлаб телевизорга тик қараб туришганидан билдики, янги йил киришига саноқли дақиқалар қолган. У тўрдаги жойига бораркан, бирдан эшикнинг очилганини сезди. Бурилиб, ортига қаради. Остонада усти-боши оппоқ қор Умиджон турарди.

— Ойи, суюнчи беринг, неваралик бўлдингиз. Ўғил!

«Унинг овозини «Янги йил билан!», «Ўғилча муборак!» деган сўзлар босиб кетди.

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Гулноранинг бир оғиз бу йил янги йилни биз билан, болалар билан бирга кутинг, адаси, деган гапи учун Мансур хотинини ер билан битта қилди. Сенга қаерда бўлишлигим ҳақида ҳисоб бермайман, деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Отасининг доим ичиб келиб, тўполон қилишидан юрак олдириб қўйган болалар, кўзлари жовдираганча қолишди.

«Турмуш қурибмизки, кунда шу аҳвол, — ўйлади Мансур, — аслида Гулнора ҳақ. Отаси ичманг, ўша ўртоқларингизга камроқ қўшилинг, болалар тарбияси билан шуғулланинг, деб тўғри айтади. Ҳозир ҳам бечора кўзлари жиққа ёшга тўлиб, эшикка суянганча қолди. Э, қўл силтади у...»

Бу пайтда бошқа Қорбоболардан фарқли, бошдан-оёқ оппоқ кийинган, Қорбобо халтасидан охирги совғани кимга беришни билмай йўл четида турарди. Узоқдан кўринган йўловчининг олдидан чиқди.

— Ассалому айлайкум, ўғлим, янги йилингиз муборак бўлсин!.

Йўловчи бошини кўтариб, оппоқ кийинган Қорбобога ажабланиб қараб турди, кейин базўр:

— Сизни ҳам қутлайман, — деди.

Қорбобо қопини очди:

— Ҳаммага меҳр улашаётувдим, шу охирги совғам сизга насиб қилган экан.

Мансур иккиланиб қўлларини совғага чўзди.

— Олинг, олаверинг, бу ерда ҳар хил ўйинчоқлар, ширинликлар, кейин, кейин озгина меҳр қўшдим, — деди Қорбобо. Янги йил сизга бахт келтирсин, бу йилингиз ҳар йилгидан бошқача бўлсин...

Мансур нима бўлганини англагунча Қорбобо кўздан ғойиб бўлди. У шартта бурилиб, ортига қайтди. Уйига қучоғи тўла совға билан кириб келганида, уйни болаларнинг шодон ҳайқириғи босиб кетди. Хотинининг кўзлари яна ёшга тўлди. Бу энди қувонч ёшлари эди.

ЖИГАР

«Бекор уни хафа қилдим, афсуслана бошлади Носир. Энди барибир келмаса керак. Хотини ошни сузиб келганида, у ҳамон укасини ҳафа қилиб қўйганини, бир кун олдин келинни бизникига олиб келасан, бирга байрам қиламиз деганини, эслаб куйиниб ўтирарди. Ҳозироқ ўзим, катта бошимни кичик қилиб бўлса ҳам уйига бораман. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади. У бир энтикиб қўйди. Хотини бориб эшикни очди. Кичкина ўғилчаси, «Вой, Қорбобо-ку» дегач, ҳафсаласи пир бўлди. Хотини меҳмонни столга таклиф қилди-ю, ошхонага йўналди. Қорбобо қопдан совғаларни олиб,болаларга улашди. Энг каттасини Носиржонга узатиб, «Бу сизга, янги йилингиз билан», деди. Таниш овоздан мезбоннинг юзига қизил югурди. Укасининг кўзидаги бир олам меҳрни кўриб, Носиржон сал бўлмаса, сирни фош қилиб қўяй деди. Хотини Қорбобога ош олиб келгунича у кетиб бўлганди. Носиржондан бошқа ҳеч ким Қорбобо укаси Фозил эканини билмади.

Барно СУЛТОНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча соҳа ходимларини қутлуғ байрам билан муборакбод этади!

Ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги ўта шарафли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ПАХТАБАНК" КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

Барча акциядорларни ҳамда мижозларни Янги йил билан қизғин муборакбод этади.

Муборак юртимизга тинчлик-хотиржамлик, фидокор халқимизга бахт-саодат, тотли ҳаёт ва зафарлар тилайди.

Янги йил зафарларга бой бўлсин!

"ШЎРЧИ ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚОР ХАТ

Узун кеча. Маҳзун кеча
Қор ёғдириб тўқсон кирди.
Нафаслари ёсин кеча
Ҳар гўшага эҳсон кирди.
Кундузларнинг қаро қоши,
Дарёларнинг чағир тоши,
Қор хатимни ўқиганнинг
Тугал тўқсон бўлсин ёши.
Қор пат билан қор хат ёзай,
Ҳар байтида ният ёзай.
Ёқали тўн, туғли элга
Келса-кетмас давлат ёзай.
Аввал салом — узрим айтай,
Ўзбекистон — Ҳизрим, айтай;
Етти пуштим, жигаргўшам,
Бўлам ҳам болдизим, айтай:
Ер эгаси, мулк эгаси
Тангрим сенга ҳамкор бўлсин!
Кўзин тиккан душманларинг
Оёқ остингда хор бўлсин!
Ўчоғингда олов кўрсам,
Карт думбали палов кўрсам,
Қазноғингда дон-дун тўла,
Қалбингда нур қалов кўрсам!
Тан-жонингни сиҳат кўрсам,
Мен сени ҳамжиҳат кўрсам!
Ўлжасини ёвга бермас
Бургутдек басавлат кўрсам!
Катта охурдан сув ичган
Ўзбек элим, йўлинг бўлгай!
Торинганга тор бу дунё,
Дунёча кенг феълинг бўлгай!
Келинларинг танноз бўлсин,
Йигитларинг шоввоз бўлсин,
Гўдакларинг тўқлидай тўқ,
Қизларинг меҳрноз бўлсин!
Машойиҳлар топиб айтмиш:
Аввало — хеш, сўнгра — дарвиш.
Қудратинг пойдор этсин
Ҳар бир мисқол олтин-кумуш!
Зукко кампир-чолинг билан,
Тилингдаги болинг билан,
Топган ҳалол нонинг билан,
Жўжавирдай жонинг билан
Далвдан ўтиб, Ҳутга етгин,
Хум-хум шарбат, сутга етгин!
Фаришталар ўт қалаган
Сумалакдай қутга етгин!
Таомилдир: қор хат ёзган
Шарт қўйгуси зиёфатга.
Қўлга тушсам қор хат билан,
Қарзим қолмас қиёматга.
Ютсам агар, алқисса шу:
Элим, Сиздан дуо бўлсин!
Илло, элчи рўзноманинг
Сўзи халққа даво бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Тақвим

АҚЛ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Тўрт унсур — Ҳаво, Сув, Ер ва Оловдан яралган инсон ҳаёти туғилган макон, вақт ва замонга боғлиқдир. Шарқ тақвимига кўра, ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгуси ҳаётига, тақдирига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб дунёга келаркан. Мунажжимлар юлдузлар жойлашиши, Қуёшнинг ҳаракати, ой даврларининг такрорланишини ҳисобга олиб, мучаллларга қараб инсоннинг қобилияти, истеъдоди, феъл-атвори, қолаверса, кимнинг юлдузи кимга тўғри келишини айтиб беришган. 2002 йил — Шарқ тақвимига кўра — От йилидир.

Ушбу мучалда туғилганлар донгдор, мўътабар, хуштабиат ва пулни тежаб-тергаб ишлатувчи кишилардир. Яхши кийинишади, оммавий йиғинларни ёқтиришади. Кўпинча, яхши натижаларга эришувчи ажойиб спортчи бўлиб етишишади. Гарчи баъзан кўп гапирсалар ҳам, ақлли ва сезгирдирлар. Ҳамма соҳада ишлари юришади, кўзга ташланиб туришади, бошқаларнинг фикрини дарров уқиб олишади. Ўзларига ишонишади, қадрларини билишади.

Шу йилда туғилган эркаклар аёлларга бефарқ қарашмайди. Муҳаббат онларида ҳамма нарсани унутишади. Ишқ-муҳаббат йўлида ҳатто ҳамма нарсадан ҳам воз кечишлари мумкин. Оила қургач, уйда доимо диққат марказида бўлишади. Ҳис-туйғулар соҳасида ҳам уларнинг ҳаёти жўшқиндир. Кексайган чоғларида тинч ва хотиржам кун кечиришади.

От йилида туғилганлар йўлбарс, ит, қўй мучаллилар билан бахтли оила қурадилар. Аждаҳо, илон, маймун, хўроз мучаллилар билан бирмунча дўстона муносабатда бўладилар. Сичқон мучаллилар билан от йилида туғилганлар оила қуришдан ўзларини тийганлари маъқул.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАВАСКОРЛАРИ

ЎЗБЕК ҚЎШИҒИ

дунё бўйлаб таралсин!

қисқа давр мобайнида катта довонлар ошиб ўтилди. Эндиликда ўзбек санъаткорининг соҳир овозидан, сирли созидан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиб тасаннолар айтмоқда. Хоҳ мумтоз, хоҳ замонавий эстрада санъатимиз бўлсин — барча-барчаси бугун азиз Ватанимиз, унга бўлган вафо-садоқатни куйлаб дунё кезмоқда.

Санъат ҳамиша инсонларни ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тўғри идрок этишга ўргатиб, юксак дид ва ҳур фикр билан қуроллантириб келган. Куй-қўшиқ шундай бир кучга эгаки, уни тинглаганда киши қалбида беихтиёр меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, бир-бировга ғамхўрлик каби ҳис-туйғулар пайдо бўлади. Зеро, ана шу туйғулар заминида халқимиз тинчлигию, юртимиз фаровонлиги мужассам. Илоҳим, келаётган янги йилимиз эзгу ниятлар амалга ошадиган, омадларга тўла йил бўлсин. Хонадонлардан файзу барака аримасин. Одамларнинг топгани фақат эзгуликка, тўйларга буюрсин, биз эса қамишдан бел боғлаб хизматда бўлайлик. Санъатимиз бундан-да юксалиб, санъаткорларимиз юрт тинчлигию, бахту саодатини тараннум этаверишсин.

Бобомурод ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти.

ЧАЙНВОРД

1.Янги йил меҳмони. 2.Байрам тантанаси. 3.Қорбобо ўрнида хонадонларга чўпон ташриф буюрадиган мамлакат. 4.Якунланган йилнинг чемпиони бўлган Ватанимиз футбол жамоаси. 5.Мамлакат тўпурар футболчиси. 6.Мўътабар диёр. 7.Тансиқ байрам таоми. 8.Қўшиқ, мадҳия. 9.Бошланаётган йилда қишки олимпия ўйинлари бўлиб ўтувчи қитъа. 10.Давра қўшиғи. 11.Оммавий халқ рақс куйи. 12.Европача рақс. 13.Бўсаға. 14.Вақт ўлчови. 15.Янги йилда ичига танга, узук, чиннидан ишланган митти қўғирчоқ ва қалампир солиб пишириладиган варақалар билан меҳмонлар ўз «бахт»ларини синайдиган мамлакат. 16.Ҳафта куни. 17.Шамсия йил ҳисобидаги ой. 18.Биродарлик, аҳиллик. 19.Камсуқум. 20.Тараққиёт. 21.Кун. 22.Йигирма етти асрлик санаси нишонланган муқаддас манба. 23.Фусункор хусусиятли нарса. 24.Заминимиз парвонаси. 25.Маълум бир жойга юборишга бериладиган ҳужжат. 26.Якунланган йилда олимпиада чемпиони бўлган спортчимиз. 27.Фурсат, давр. 28.Совға, мукофот. 29.Янги йил даракчиси. 30.Йилнинг энг таниқли ижодкорига бериладиган мукофот. 31.Яратганнинг етказган насибаси. 32.Бежамли ширинлик. 33.Вьетнамда Янги йилга берилган ном. 34.Қутлов. 35.Чирой. 36.Инсоннинг етук даври. 37.Пайт, сутка қисми. 38.Мўйсафид, кекса ёшдаги инсон. 39.Вақт ўлчови. 40.Қўнгилочар, мўъжаз асар. 41.Тинчлик қарор топган азалий қардош мамлакат. 42.Нозиклик, латофат. 43.Ҳар соҳада юқори даражага кўтарилиш. 44.Куй, оҳанг.

2002 йил орзулари

МАҚСАДИМ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ!

— Мустақилликдан кейин спортнинг бошқа турлари каби эркин ва юнон-рум кураши ривожига қаратилаётган муҳим эътиборнинг меваси ўлароқ жаҳон спорт майдонларида курашчиларимизнинг ғалабалари шарафига тез-тез юртимиз мадҳияси янграмоқда, сахий ўзбек заминидан кўплаб иқтидорли полвонлар етишиб чиқмоқда. Дилшод Мансуров, Атҳам Очилов, Дамир Захартдинов, Руслан Биктяков каби курашчиларимиз юртимиз фахри ҳисобланиб, ўзлари иштирок этаётган ҳар бир халқаро мусобақадан, албатта, медаллар билан қайтишмоқда.

Ўзбек кураш мактабининг тарбияланувчиси сифатида биринчи мураббийим Владимир Егоровдан олган сабоқларим ҳосиласи илк бор 1997 йилги мавсумда бўй кўрсата бошлади. Ўша йили Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб чиқдим, Жаҳон Кубогида эса фахрли учинчи ўринни эгалладим.

2001 йил ҳам фаолиятимдаги энг муваффақиятли йиллардан бири бўлди, десам адашмайман. Май ойида Алматида, июл ойида эса Америка Қўшма Штатларида ўтказилган Гран-При туркумидаги иккита йирик халқаро мусобақада ғалаба қозондим. Республикамиз Мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан тақдирланганим эса ҳаётимдаги энг қувончли онлардан бўлди.

Янги йил арафасида Грециянинг Патра шаҳрида 54 мамлакат курашчилари ўртасида ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида финалда арманистонлик рақибимни 6:3 ҳисобида енгган ҳолда яна бир улкан довонни забт этишга муваффақ бўлдим.

Албатта, ҳар бир спортчи каби менинг ҳам эзгу орзуим — 2004 йилда ўтказиладиган олимпиада ўйинларининг чемпиони бўлишдир. Энг муҳими, олимпиадага тайёргарлик босқичи мен учун муваффақиятли кечмоқда. Олимпиадага ҳал қилувчи тайёргарлик босқичларидан бири бўлмиш 2002 йилдан ҳам умидларим катта. Бу йил Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги ва Туркияда ўтказиладиган халқаро турнир, сентябрда Москвада ўтказиладиган жаҳон чемпионати, ноябр ойида эса Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

Дилшод ОРИПОВ,
хизмат кўрсатган спорт устаси, юнон-рум кураши бўйича Осиё ва Жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

Маданияти ўзи каби узоқ ўтмишга эга халқимизнинг санъати ҳам асрлар оша ривожланиб келмоқда. Айниқса, бу истиқболдан сўнг яққол кўзга ташланмоқда. Янги йил арафасида туриб санъатимизнинг кечаги ва бугунги кунини бир муқояса қилиб кўрадиган бўлсак, ўтган

ЙЎҚОЛГАН ТЕЛПАК

Ҳажвия

Янги йил яқинлашди дегунча хомуш тортаман. Тубсиз жардек охири кўринмаётган «кандидатлик» эса қанча вақтдан буён аччиқ ичакдек чўзилади: ё мен мардларча шартта қўл силтаб ундан воз кечаман, ё у номард мени қўйиб юборади. Чўзилишига сабаб эса...

...Ўша куни ишдан чиқиб ҳамкасбларим Обид мечкай, Тансиқ тарс-тарс билан айтилган ресторанга узун-қисқа бўлиб чўзилишиб кириб бордик. Гардеробда битта ҳам бўш илгак қолмабди. Амаллаб пальтомни бир илгакка, телпакни бошқасига қўндирдим. Ўтиришимиз билан «косагул» кечикканларга «штраф» деб бизни «сийлай» кетди. Бир вақт кайфи ошган Обид мечкай беш йилда кандидат бўламан деса, Тансиқ тарс-тарс кўзларини сузиб уч йилда ёқлаб ташлайман, деб гапира бошлади. Бу гаплардан менинг ҳам хаёлим қочиб ўтирганди, бир пайт «тарс-тарс» биқинимга секин туртди. «Кетдикми? Залда бизу Моҳир акамлар тўпи қопти холос...»

Турдик. Домладан кейин қолсак уят! Гардеробдан амаллаб пальтомни топиб кийдим, лекин телпак йўқ: на илгакда кўринади, на ерда... Яхши танирдим, талабаликдан ёдгор-арзонгаров, қуёнжун, асли қорамтир бўлса-да, ҳозир сарғайиб, четлари соч ёғидан ялтираб қолган бечораҳол бир телпак эди у. Келиб-келиб шу «камтарин» телпакка «харидор» чиққанини! Болаларга айтсам кулишади, шундай кетворай десам, ташқари совуқ — чақади, олим бўладиган бошни асраш керак. Бир томони Тошкентга мусофирмиз, ойлик ҳам хамин-қадар... Лекин меникини кийган одам ўзиникини қолдиргандир. Ахир шу қаҳратонда ким бетелпак юради! Ана гардеробда уч-тўрттаси турибди. Кўпи меникидақа қуёнжун. Таваккал... Шартта бирига қўл чўздим. Кийсам сал каттароқ, алмаштирай десам шубҳа туғдираман.

Хуллас, ўша кунги совуқ зўриданми ёки бегона телпак ётсираб бизни бошни ҳимоялагиси келмадими, шамоллаб қолдим. Ҳафта ўтиб ишга бордим. Хонага киришим билан Обид мечкай соғлиғимни сўраш ўрнига пишиллаб олдимга келиб:

— Иш чатоқ! - деди.

— Нега?

— Ҳафтаки, «шеф»нинг «настроениеси» йўқ. Тепакалини қашийвериб бор сочини ҳам тўкворди.

— Тинчликми?..

— Ўтиришда телпаги йўқолибди. Борганларнинг барчасиникини кўриб чиқди. Фақат сизники қолди.

— Қанақайди телпаги? - дедим бўшашиб.

— Э, қизиқмисиз, шуниям сўрайсиз-а! Илмий ходимники қанақа бўларди, сизникидақа оддий, кўянжун. Ўзингиз ҳам неча марта кўргансиз.

— Хайрият-ей, оддий экан, мен «ондатра»ми дебман.

— «Ондатра» бўлганда мелисага хабар қиларди. Лекин «шеф»ни биласизу — пишшиқ: бир тийинни қирқ жойидан тугади. Шу совуқда шляпада юрибди.

Пальто ва телпакни бурчакдаги илгакка илдим.

Шу пайт хонага Тансиқ тарс-турс кириб келди. У хайтовур сўрашди-ю, кейин тўғри бориб мен ечган телпакка қўл чўзди. Узоқ айлантириб кўрди. Сўнг:

— Худди ўзи, - деди.

— Валдирама, - дедим мен ўзимни қўлга олиб. - Одам одамга ўхшайди-ю, бу телпак-ку...

— Мана, бир қулоғининг тангадек жойидан жуни кўчган, иккинчисининг ипида тугуни бор, аниқ «шеф»ники, ўласиз, энди!

Войдод, остонада «шеф»нинг ўзи кўринди: ялангбош, тепакали ялтираб турибди.

— Суюнчи беринг, Моҳир ака! - дея Тансиқ тарс-турс қўлидаги телпакни унга узатди. «Шеф» олдин телпакка, сўнг менга совуқ тикилди.

— Ўзингизники қани?

— Ўша куни алмашибди...

— Кўзингиз қаёқда эди? Кўз бўлмаса, каллани ишлатиш керак! - «Шеф» телпакни олиб чиқиб кетди.

— Тамом бўлдингиз, - бидирлади Тансиқ менга қараб. - Моҳир акам гиначи, кечирмайди энди.

— Мен атай қиппанми?

— Барибир. - Обид мечкай гапга қўшилди. - Тансиқ тўғри айтяпти. Шу ерда ёқлайман десангиз, кириб кўнглини олинг.

Хуллас, эрталабдан юракка чигил тушди. Тушликка бирга борган бўлсак-да, домлам менга бир оғиз ҳам гапирмади. Бу кетишда ростдан ишлар чатоқ бўлади, шекилли... Тушдан кейин секин Тансиққа ёрилдим.

— Олдига киринг! Телпак ваъда қилинг, яхшироғидан, масалан, «ондатра». - Унинг маслаҳати шу бўлди.

Юрагим дук-дук уриб «шеф»нинг хонасига кириб бордим.

— Кечиринг, домла, - дедим у ўтирган столига яқин келиб, - сизникилигини билмабман, ўлай агар.

«Шеф» индамади. Борлиғим музлаб кетди. Тансиқнинг гапини эсладим.

— Сизга, худо хоҳласа, битта қулинг ўргулсин «ондатра» телпак совға қиламан. Қишлоқда савдода акам ишлайди, - дедим ўз ёлғонимдан ўзим ўнғайсизланиб.

— Совға эмиш. - «Шеф» қошини чимирди. - Бошимдагини қайта олиб қўймасангиз ҳам катта гап. Кўрамиз ҳали...

Хуллас, орадан йиллар ўтди. Обид ёқлади, Тансиқнинг иши тайёр, яқинда лабораторияда муҳокамадан ўтди. Меники эса охири кўринмайди. Ҳаммасига ўша телпак сабабчи... Ҳар қиш яқинлашса «ондатра» ҳақида ўйлайман. Аммо у Зуҳро юлдузидек олисда, сира етишиб бўлмайди. Ахир кичик илмий ходимнинг ойлиги ўзингизга маълум. Бу пул деганнинг ҳам вафоси йўқ экан, ваъдани пуч қилади. Сира ортмайди-я! Э, бу ўн йил ичида қанча битмаган ишлар битди — уйландим, кооператив бўлса-да, шаҳардан уй олдим, яшаш ҳам бир нав — ойлик етмай, ҳамон уйдан чойчақа сўраб тураман. Барибир мендан экономист чиқмади — «ондатра» учун орттиролмадим.

Мана, яна янги йил яқинлашиб келди. Қани энди ҳеч бўлмаса шу йилги ўтиришда «шеф»нинг ранги ўчиб кетган «қуёнжунини» билмасдан «ондатра»га алмаштириб қўйсам дейман. Шунда «шеф» кечирармиди... Лекин пул қани унга! Бевафо пул!.. Эй, нотаниш дўстим, дардимни сизга айтяпман: мабодо шу «ондатра» учун кетадиган пулни сиз бериб туролмайсизми?.. «Кандидат наук» бўлгач, проценти билан қайтарардим... Агар илмга ихлосингиз баланд бўлса, орамизда номзодлар кўпайсин десангиз, манзилимни шу ҳикояни босган таҳририятдан суриштирарсиз...

Адҳам ДАМИНОВ.

МУАММОНОМА

Аввало қуйидаги таърифланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Коинот жисми — 20, 5, 22, 16, 8.
2. Вақт ўлчови бирлиги — 19, 6, 7, 1, 12.
3. Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида аввалдан хабар бериш — 10, 3, 11, 6, 4, 3, 21.
4. Ватанимизда якунланган йилдан ишлаб чиқарилаётган автомобил маркаси — 14, 3, 21, 1, 8.
5. Мусиқа жўрлигидаги санъат — 18, 13, 1, 7.
6. Байрам совғаси — 9, 16, 5.
7. Шодлик, севинч — 15, 16, 17, 6, 7, 2.

Энди очқич сўзлари асосида шакл атрофидаги муаммономани ҳал этиб, табрик сўзларимизни билиб олинг.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 18.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3224. 1 2 3 4 5 6